2.

Куч — адолатда

2015 йил
6 март,
жума
№ 9 (522)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси | http://www.oliysud.uz | 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

Ислом Каримовнинг Жиззах ва Сирдарё вилоятлари сайловчилари билан учрашувлари

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ислом Каримов 5 март куни Жиззах вилояти сайловчилари билан учрашди.

Учрашувни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 4-Жиззах округ сайлов комиссияси раиси А.Сатторов очди.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ислом Каримов ўзининг сайловолди дастури юзасидан нутқ сўзлади.

Дастурда мамлакатимизни ҳар томонлама ривожлантиришга қаратилган энг асосий йўналишлар белгилаб берилган. Жумладан, саноатни технологик янгилаш ва таркибий ўзгартириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси ривожи учун янада қулай шароитлар яратиш, давлатнинг иқтисодиётдаги улушини қисқартириш, ерларнинг унумдорлигини ошириш ва қишлоқ хўжалигига замонавий агротехнологияларни жорий этиш, фермер хўжаликларини кўп тармоқли хўжаликларга айлантириш, маҳаллийлаштириш дастурини кенгайтириш, инвестициявий муҳитни яхшилаш, аҳоли ҳаёт даражасини изчил ошириш, барча давлатлар билан ҳамкорликни ва мамлакатимиздаги тинчлик-осойишталикни мустаҳкамлаш бўйича муҳим йўналишлар ўз ифодасини топган.

Мамлакатимизнинг иқтисодий-ижтимоий тараққиёти Жиззах вилояти мисолида ҳам намоён бўлмоқда. Шаҳар ва туманларда янги корхоналар, замонавий инфратузилма объектлари барпо этилмоқда. "Жиззах" махсус индустриал зонаси, Жиззах цемент заводи, "Жиззах пластекс" Ўзбекистон - Германия қўшма корхонаси каби саноат комплексларида ички ва ташқи бозорларда харидоргир, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда.

2014 йилда вилоят корхоналари томонидан 45,6 миллион доллар миқдоридаги маҳсулот экспорт қилинди. Вилоят иқтисодиётини таркибий ўзгартириш мақсадида саноат соҳасида 237, қишлоқ хўжалигида 197, хизмат кўрсатишда 700 дан ортиқ лойиҳа амалга оширилди.

Жиззах шаҳрида бош режа асосида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, қишлоқларда барпо этилаётган замонавий уйлар ва ижтимоий объектлар вилоят қиёфасини бутунлай ўзгартирмоқда.

Жиззах олий ҳарбий авиация билим юрти курсанти А.Акбаров, "Жиззах овози" газетаси бош муҳаррири А.Иномов ва бошқалар мустақиллик йилларида Жиззах вилояти саноатлашган ҳудудга айлангани, амалга оширилаётган улкан қурилиш ва ободонлаштириш ишлари одамларнинг ҳаёт даражасини юксалтириб, дунёқарашини ўзгартираётганини фахр билан таъкидлади. Президент сайловига тайёргарлик миллий қонунчилигимиз ва халқаро демократик тамойилларга мос равишда ўтаётганини қайд этди.

(Давоми иккинчи бетда)

Истиқлол йилларида мамлакатимизда оилани, аёлни, онани улуғловчи бир-биридан муаззам тарихий ёдгорликлар бунёд этилди. Мустақиллик майдонидаги "Мотамсаро она", "Бахтиёр она", шунингдек, "Ватанга қасамёд" монументларида акс этган мўътабар волида тимсоллари, ҳеч шубҳасиз, ҳамюртларимизни, айниқса, ёшларимизни ватанпарварлик, оилага, эл-юртга, Ватанга садоқат ва ҳурмат руҳида тарбиялашга хизмат қилмоқда. Энг муҳими, ушбу муаззам обидалар тимсолида юртимизда аёлга эҳтиром кўрсатишдек юксак маънавий ва маърифий воқелик яққол намоён бўлди.

Аёлни улуғламоқ – оилани, Ватанни, ҳаётни улуғламоқдир

Аёлни улуғламоқ оилани, Ватанни, ҳаётни улуғламоқ демакдир. Давлатимиз раҳбарининг ана шу пурмаъно сўзлари истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ мамлакатимизда хотин-қизларнинг ўрни ва мавқеини мустаҳкамлаш борасидаги давлат аҳамиятига молик барча тарихий ва хайрли ишларимизнинг ўзига хос мезонига айланди.

Аввало, хотин-қизларнинг оиладаги, давлат ва жамият қурилишидаги мавқеи ва ўрнини кучайтириш ҳамда уларнинг ижтимоий муҳофазаси ва манфаатлари ҳимоясини таъминлашга қаратилган ҳуқуқий негиз шакллантирилди. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, саксонга яқин фармон ва қарорлар, давлат дастурлари хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, оила ҳамда жамиятдаги мавқеини мустаҳкамлаш, оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилишда мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлмоқда.

Мамлакатимиз аёлларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга доир бир қатор халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларга, жумладан, БМТнинг Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги, Хотин-қизларнинг сиёсий ҳуқуқлари тўғрисидаги, Халқаро меҳнат ташкилотининг Оналикни муҳофаза қилиш тўғрисидаги, Меҳнат ва бандлик соҳасида камситишлар тўғрисидаги конвенцияларига қўшилган ва уларга қатъий риоя этиб келмоқда.

Истиқлол йилларига "Инсон манфаатлари", "Оила", "Аёллар", "Соғлом авлод", "Она ва бола", "Меҳр ва мурувват", "Соғлом бола", "Кексаларни эъзозлаш" каби номлар берилиши ва шунга мувофиқ тарзда бир-бирини мантиқий давом эттирадиган махсус дастурларнинг ҳаётга кенг жорий қилиниши ибратли анъанага айланди.

(Давоми учинчи бетда)

8 март — Халқаро хотин-қизлар куни арафасида ЎзА мухбири мамлакатимизда хотин-қизларга қаратилаётган эътибор, аёлларнинг жамиятимизда тутган ўрни ҳақида чет эллик мутахассислар, экспертлар ва сайёҳлар билан суҳбатлашди.

Ўзбекистонда аёлларнинг оила ва жамиятдаги мавқеини юксалтиришга қаратилаётган эътиборга ҳавасим келди

Прем АҲЛУВАЛИА,
Тинч океани минтақаси ёзувчилари саёҳати уюшмаси вакили, Жанубий Осиё мамлакатлари хотин-қизлари институти директори (Ҳиндистон):

— Ўзбекистонда хотин-қизларнинг жамиятда тутган ўрнини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Аёлларни тадбиркорликка кенг жалб қилиш ва уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида олиб борилаётган ислоҳотлар хотин-қизларга ўз бизнесини очиб, оиласи, эл-юрти учун фойда келтириш, ҳаётда ўз ўрнини топиш имконини бераётир.

Мамлакатингизга саёҳатим жуда мазмунли ўтмоқда. Ўзбекистон ва унинг улкан сайёҳлик салоҳияти ҳақида кўп эшитганман ва ўқиганман. Юртингизга келиб, бу ердаги очиқ-кўнгил ва меҳмондўст одамлар билан суҳбатлашиб, қалбим қувончга тўлди. Ўзбекистонда сайёҳларнинг мароқли дам олиши учун барча қулайликлар мавжуд.

Сайёҳликнинг тарихий ва маданий йўналишларини хуш кўраман. Шу боис дунёга машҳур Самарқанд ва Бухорони, у ердаги бебаҳо меъморий обидаларни кўриш, урф-одат ва анъаналарингиз билан танишиш имконига эга бўлганимдан қувончим чексиз.

Сэфра ХАЛЛИБЭРТОН,
тренер (АҚШ):

— Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги ўрни мустаҳкамланиб, нуфузи тобора ошиб бораётганини алоҳида таъкидлашни истардим. Мамлакатингиз улкан сайёҳлик салоҳиятига эга. Шу боис дунёнинг кўплаб одамлари бу ерга саёҳат қилишга интилмоқда.

(Давоми учинчи бетда)

Qonun ko`magi

Тадбиркорлар ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари

амалда самарали таъминланмоқда

Мамлакатимизда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш, улар фаолиятига ноқонуний аралашувларнинг олдини олиш адлия идораларининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Бу борада Хоразм вилояти адлия бошқармаси томонидан ҳам бир қатор муҳим чора-тадбирлар изчиллик билан амалга ошириб келинмоқда.



Айтиш керакки, бошқарма томонидан тадбиркорлик соҳасидаги қонун ҳужжатларининг жойлардаги ижроси бўйича назорат ва тизимли равишда мониторинг тадбирлари, тадбиркорлик субъектлари билан учрашувлар, ижтимоий сўровлар мунтазам равишда ўтказиш йўлга қўйилган.

Шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг мурожаатларини қонунда белгиланган муддатда кўриб чиқиб, ҳал этишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

(Давоми учинчи бетда)

Huquqiy ma`rifat

Маъмурий назорат

қоидаларини бузиш жавобгарликка сабаб бўлади

Маълумки, Асосий қонунимизга мувофиқ, фуқаролар ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, шунингдек, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқлари ва эркинликларига путур етказмасликлари шарт. Мазкур меъёр моҳият-эътибори билан ҳар бир фуқаронинг зиммасига муайян мажбуриятни юклаши баробарида аҳолининг ҳуқуқ ва эркинликларини, давлат ва жамият манфаатларини кафолатли ҳимоялашнинг ҳуқуқий асосидир, десак, янглишмаймиз.

(Давоми иккинчи бетда)

Muloqot

Савол беринг, жавоб берамиз

Айтинг-чи, риэлторлик фаолияти қайси турдаги хизматларни кўрсатиш ҳуқуқига эга?

О.АББОСХОНОВ,
Тошкент вилояти, Чиноз тумани

— Маълумки, "Риэлторлик фаолияти тўғрисида"ги қонуннинг 9-моддасига мувофиқ, риэлторлик фаолияти қуйидаги турлардаги риэлторлик хизматларини, яъни кўчмас мулк объектларига ва уларга бўлган ҳуқуқларга доир битимларни тузиш чоғидаги воситачилик, кўчмас мулк объектларининг ва уларга бўлган ҳуқуқларнинг савдосини ташкил этиш, кўчмас мулк объектларини ишончли бошқариш ҳамда кўчмас мулк бозорида ахборот ва маслаҳат хизматларини кўрсатиш ҳуқуқига эга.

Қонунга кўра, кимлар масъул мансабдор шахслар тоифасига киради? Илтимос, шу ҳақда маълумот берсангиз.

Зиёдулла МУҚИМОВ,
Самарқанд шаҳри

— Амалдаги Жиноят кодексининг саккизинчи бўлимида кимлар масъул мансабдор шахслар тоифасига кириши қайд этилган. Унга кўра, ҳокимият вакиллари, давлат корхонаси, муассасаси ёки ташкилотларида сайлаш ёки тайинлаш бўйича доимий ёхуд вақтинча ташкилий бошқарув ёхуд маъмурий-хўжалик вазифаларини бажариш билан боғлиқ лавозимларни эгаллаб турган ва юридик аҳамиятга эга ҳаракатларни содир этишга ваколат берилган шахслар, мулкчиликнинг бошқа шаклларидаги корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг раҳбарлари, давлат бошқаруви юзасидан белгиланган тартибда ҳокимият ваколати берилган жамоатчилик вакиллари, шунингдек, ташкилий бошқарув ёхуд маъмурий-хўжалик вазифаларни бажариш билан боғлиқ мансабларни эгалловчи шахслар масъул мансабдор шахслар тоифасига киради.

Айтинг-чи, яроқлилик муддати ўтган озиқ-овқат маҳсулотларини сотувга чиқариш мумкинми?

Ж.ҚОСИМОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси, Беруний тумани

— Маълумки, яроқлилик муддати ўтган озиқ-овқат маҳсулотидан фойдаланиш мумкин эмас. Хусусан, "Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида"ги қонуннинг 17-моддасига мувофиқ, яроқлилик муддати ўтган, сифатсизлиги белги бериб турган, таққослаш ва ишлаб чиқарувчисини аниқлаш мумкин бўлмаган, шунингдек, давлат санитария ва (ёки) ветеринария назорати органлари томонидан гигиена ва (ёки) ветеринария экспертизаси ва сертификатлаш синовлари натижалари бўйича овқатга ишлатиш учун яроқсиз деб топилган озиқ-овқат маҳсулоти ишлаб чиқариш ва реализация қилишдан олиб ташланади, у белгиланган мақсадда ишлатилмаслиги ҳамда қайта ишланиши ёки йўқ қилиб ташланиши керак.

Озиқ-овқат маҳсулотидан фойдаланиш (уни қайта ишлаш) ёки йўқ қилиб ташлаш унинг эгаси томонидан ёки маҳсулот эгаси шу ишларни бажаришни шартнома бўйича топширадиган ташкилотлар томонидан комиссия иштирокида амалга оширилади.

Озиқ-овқат маҳсулоти ҳайвонларга ем сифатида ишлатилгунича ёки йўқ қилиб ташлагунича алоҳида жойда (резервуарда), алоҳида ҳисобда, миқдорини, ишлатиш (қайта ишлаш) ёки йўқ қилиб ташлаш усуллари ва шартлари аниқ кўрсатилган ҳолда сақланиши керак. Бундай маҳсулотнинг бут сақланиши учун унинг эгаси жавобгар бўлади.

Озиқ-овқат маҳсулотини экспертиза қилиш, йўқ қилиб ташлаш усуллари ва шартларини белгилаш, қайта ишлаш, сақлаш, ташиш ва йўқ қилиб ташлаш билан боғлиқ харажатларни унинг эгаси тўлайди.

Озиқ-овқат маҳсулотининг эгаси давлат санитария ва (ёки) ветеринария назорати органларига маҳсулотдан фойдаланилганлиги ёки у йўқ қилиб ташланганлиги ҳақида далолатнома тақдим этади.

Яқинда катта акам мендан қишлоқда отамдан қолган мол-мулкдаги улушдан воз кечишим ҳақида тилхат ёздириб олган эди. Айтинг-чи, мен бу тилхатни қайтариб олишим мумкинми?

Ш.ДАВРОНОВ,
Қашқадарё вилояти, Шаҳрисабз тумани



— Фуқаролик кодексининг 1147-моддасига асосан, меросхўр мерос очилган кундан эътиборан исталган вақтда меросдан воз кечишга ҳақли.

Меросдан воз кечиш меросхўр томонидан мерос очилган жойдаги нотариусга ариза бериш орқали амалга оширилади. Агар ишончномада вакил орқали меросдан воз кечиш ваколати махсус назарда тутилган бўлса, меросдан шу тарзда воз кечилиши мумкин. Меросдан воз кечиш кейинчалик бекор қилиниши ёки қайтариб олиниши мумкин эмас.

Саволларга Олий суд бўлим бошлиғи Нишонмурод МИРЗАОЛИМОВ жавоб берди

Ислом Каримовнинг Жиззах ва Сирдарё вилоятлари сайловчилари билан учрашувлари

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

* * *

Шу куни Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ислом Каримов Сирдарё вилояти сайловчилари билан ҳам учрашди.

Учрашувни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 8-Сирдарё округ сайлов комиссияси раиси Ш.Маматқулов очди.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ислом Каримов учрашувда нутқ сўзлади.

Номзоднинг сайловолди дастурида мамлакатимизни ҳар томонлама обод қилиш, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишдек олий мақсад йўлида амалга оширилаётган беқиёс ислоҳотларни янги босқичга кўтаришнинг асосий йўналишлари белгилаб берилган. Жумладан, дунёдаги тараққий топган давлатлар қаторидан муносиб ўрин олиш, иқтисодиётимизни замонавий тармоқлар ҳисобидан тез ва барқарор суръатлар билан ривожлантириш, мамлакатимиз ҳаётида ҳал қилувчи омил бўлган хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш, давлатнинг иқтисодиётдаги улушини қайта кўриб чиқиш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва ҳосилдорлигини ошириш, фермерлик ҳаракатини изчил қўллаб-қувватлаш, маҳаллийлаштириш дастурларини кенгайтириш, инвестициявий муҳитни яхшилаш каби муҳим масалалар ўз ифодасини топган. Аҳоли бандлигини таъминлаш, турмуш даражаси ва сифатини янада ошириш, чет давлатлар билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш дастурнинг устувор йўналишлари қаторидан ўрин олган.

Сирдарё вилоятида сўнгги йилларда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 1,8 баробар, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 1,5 баробар ўсди. "Пенг Шенг", "Река мед фарм" қўшма корхоналари, "Бахттексфарм" масъулияти чекланган жамияти каби корхоналарда рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми ортмоқда.

Вилоятда кейинги йилларда 4 мингдан ортиқ хизмат кўрсатиш ва сервис объекти ишга туширилди. Замонавий хизмат турларини ўз ичига олган компьютерли дастурлаш, алоқа ва ахборотлаштириш, молия, сайёҳлик каби хизмат соҳаларининг тез суръатларда ўсиб бораётгани алоҳида аҳамият касб этмоқда. Ирригация-мелиорация соҳасидаги истиқболли лойиҳалар қишлоқ хўжалигида ҳосилдорликни янада ошириш имконини бермоқда. Тиббий, ижтимоий хизматлар кўрсатиш кўлами кенгайиб, қишлоқ жойларда барча қулайликларга эга замонавий уй-жой массивлари барпо этилаётгани аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини юксалтирмоқда.

Таэквондо бўйича Ўзбекистон ва Осиё чемпиони, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори Д.Холжигитова, Сирдарё туманидаги "Шодлик" фермер хўжалиги раҳбари Б.Мирзақулов ва бошқалар мамлакатимизда ижтимоий ва иқтисодий барқарорликни таъминлаш, иқтисодиётни ривожлантириш, Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги нуфузини ошириш борасида бетимсол ишлар амалга оширилаётганини қайд этди. Президент сайловига тайёргарлик, уни ўтказиш билан боғлиқ жараёнлар юқори савияда, демократик принципларга тўла мувофиқ ҳолда олиб борилаётганини таъкидлади. Сайловчиларни 29 март куни бўладиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида фаол иштирок этишга чақирди.

Анвар САМАДОВ,
Тошқул БЕКНАЗАРОВ,
Матназар ЭЛМУРОДОВ,
ЎзА мухбирлари

Mezon

Кимошди савдоси

уни ўтказиш қоидаларига риоя этиш мулк дахлсизлигини таъминлайди

Аввало шуни айтиш жоизки, мамлакатимиз иқтисодиёти ривожида муҳим ўрин тутадиган хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида юзага келадиган ижтимоий муносабатлар шартнома ва битимлар асосида тартибга солинади. Бу борада Фуқаролик кодекси, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги қонун муҳим ҳуқуқий асос вазифасини ўтамоқда. Эътиборлиси шундаки, шартномавий муносабатларнинг ҳуқуқий асослари давр талабига мутаносиб равишда изчиллик билан такомиллаштирилиб борилмоқда.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки, олди-сотди, ижара, маҳсулот етказиб бериш каби шартномаларда тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ белгилаб қўйилади. Биргина кимошди савдосини ўтказишга доир шартнома хусусида тўхталадиган бўлсак, кимошди савдоларига ашёлар, шу жумладан, мулкий ҳуқуқлар каби фуқаролик ҳуқуқининг объектлари қўйилиши мумкин.

Агар ашёнинг мулкдори ёки мулкий ҳуқуқ эгаси шартноманинг бир тарафи бўлса, кимошди савдосининг ғолиби унинг иккинчи тарафи ҳисобланади.

Ашёнинг мулкдори ёки мулкий ҳуқуқ эгасининг ўзи кимошди савдосини ташкил қилиши ёки уни ихтисослашган ташкилотга топшириши мумкин. Ихтисослашган ташкилот асосан кимошди савдоларини ташкил этиш билан шуғулланади. Ашёнинг мулкдори ёки мулкий ҳуқуқ эгаси кимошди савдоси ўтказишни ихтисослашган ташкилотга топшириш чоғида топшириқ шартномаси ёки воситачилик шартномаси тузади.

Аукционлар ва танловлар очиқ ва ёпиқ тарзда ўтказилиши мумкин. Очиқ аукционда ва очиқ танловда иштирок этиш истагини билдирган ҳар бир шахс қатнашиши мумкин.

Бунда ким ошди савдосининг ташкилотчиси томонидан савдо бошланишидан олдин дастлабки танлов ўтказилиши мумкин ва унинг ёрдамида кимошди савдоларида иштирок этувчилар саралаб олинади. Қонун ҳужжатлари билан алоҳида шахсларнинг очиқ кимошди савдосида иштирок этишига чекланишлар ўрнатилиши мумкин. Масалан, Президентимизнинг 2006 йил 31 августдаги қарори билан тасдиқланган "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш жараёнида автомототранспорт воситалари ва кўчмас мулкни сотиш тартиби тўғрисида"ги Низомда автотранспорт воситалари ва кўчмас мулкни сотиш бўйича очиқ аукционда ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва бошқа давлат идоралари ходимларининг, шу жумладан, суд ижрочилари ҳамда сотиладиган мулкнинг кўздан кечириш ва баҳоланишини амалга оширувчи мутахассисларнинг иштирок этиши ман этилган.

Ёпиқ савдоларни ўтказишда ашёнинг ёки мулкий ҳуқуқнинг эгаси унинг талабларига мос келувчи шахслар доирасини олдиндан белгилайди ва уларга савдода қатнашиш учун таклифномалар юборади.

Мазкур низомнинг 17-банди талабига кўра, савдо ташкилотчиси кимошди савдосини ўтказиш тўғрисида камида 30 кун олдин хабар қилиши керак. Алоҳида ҳолларда қонун ҳужжатлари хабарнома юборилишининг бошқа муддатларини назарда тутади. Масалан, автомототранспорт воситалари ва кўчмас мулк аукционга қўйилганда, уни ўтказиш шартлари ўзгартирилмасдан, бу ҳақдаги хабарнома унинг ўтказилишидан камида 15 кун олдин юборилиши шарт.

Очиқ кимошди савдоларини ўтказилиши тўғрисида даврий нашрларда хабар берилади.

Хабарда кимошди савдосининг ўтказилиш вақти, жойи ва шакли, кимошди савдосига нима қўйилаётганлиги ва уни ўтказиш тартиби, шу жумладан, кимошди савдосида қатнашишни расмийлаштириш тўғрисидаги, шунингдек, бошланғич нарх тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилиши керак.

Кимошди савдосида қатнашиш учун берилган талабномани асоссиз равишда қабул қилишни рад қилиш, кимошди савдолари ҳақида хабар бериш муддатларининг бузилиши; хабарнома мазмунига бўлган талабларнинг бузилиши;

савдога қўйилаётган ашёлар ва мулкий ҳуқуқлар тўғрисидаги ахборотни яшириш; савдо бошланишидан олдин унинг қатнашчилари ҳақидаги маълумотларнинг тарқатилиши, махсус таклифнома олмаган шахснинг савдоларда иштирок этишини расмийлаштириш шартларининг бузилиши танлов иштирокчиларининг даъво аризасига асосан суд томонидан кимошди савдоси ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Манфаатдор шахслар кимошди савдосини ҳақиқий эмас, деб топиш талаби билан судга мурожаат қилиши мумкин. Жумладан, биринчи навбатда, кимошди савдосининг қатнашчилари ва ташкилотчиси, сотилган ашёнинг мулкдори ёки сотилган мулкий ҳуқуқнинг эгаси ҳамда кимошди савдоларида иштирок этишга рухсат берилмаган шахслар манфаатдор шахслар деб топилиши мумкин. Ҳар бир муайян ҳолда бошқа шахслар ҳам, шу жумладан, тегишли давлат идоралари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари манфаатдор шахс сифатида судга мурожаат қилиши мумкин.

Шуни ҳам айтиш жоизки, кимошди савдоларини ўтказишда қонун талабларига риоя қилмаслик фуқаролик кодексининг 114-моддасига мувофиқ битимнинг ҳақиқий эмаслигига олиб келади.

Шу ўринда мисолларга эътибор қаратсак, даъвогар "Урганч-Дўрмон" муқобил машина трактор парки раҳбари Ғ.Алланазаров судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, ташкилотга тегишли бўлган омборхона биноси солиқ қарзини қоплаш мақсадида сотувга қўйилганлиги, аммо кимошди савдосини ўтказишда қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилганлигини эътиборга олиб, Республика кўчмас мулк биржаси Хоразм вилояти филиалида ўтказилган аукцион савдо баённомасини ҳақиқий эмас, деб топишни сўраган.

Ишдаги ҳужжатлар ва судда аниқланган ҳолатларга кўра, Хоразм вилояти хўжалик судининг ҳал қилув қарорига асосан "Урганч-Дўрман" муқобил машина трактор паркининг солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан қарздорликни ундириб, ижрога қаратиш мақсадида даъвогарга тегишли бўлган Урганч тумани Дўрмон қишлоғида жойлашган умумий ер майдони 2060,0 кв. метр, қурилиш ости майдони 367,65 кв. метрни ташкил қилган чигит сақлаш омборхонаси Урганч тумани суд ижрочилари томонидан хатланган.

Бироқ ушбу бино махсус лицензияга эга баҳоловчи ташкилот "Хоразм баҳолаш ва консалтинг маркази" томонидан эмас, балки танловда иштирок қилмаган "Интеллектуал-Хоразм" масъулияти чекланган жамияти баҳолаш корхонаси томонидан баҳоланган.

Шу сабабли фуқаролик ишлари бўйича Хоразм вилояти судининг ҳал қилув қарорига асосан 67/4-сонли аукцион савдо баённомаси ҳақиқий эмас, деб топилди.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, кимошди савдоларини ўтказишда қонун талабларига риоя қилмаслик кимошди шартномаларининг ҳақиқий эмас, деб топилишига олиб келади.

Шу боисдан кимошди савдоларини қонунчилик талабларига риоя қилган ҳолда ўтказиш ҳар қандай манфаатдор шахсларга ўзларининг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда ортиқча сансоларликларнинг олдини олишда муҳим ўрин тутади.

Отабек МАТКАРИМОВ,
фуқаролик ишлари бўйича Хоразм вилояти суди раисининг ўринбосари

Huquqiy ma`rifat

Маъмурий

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Бироқ ҳаётда тинч ва осойишта турмушимизга раҳна соладиган, жамиятда ўрнатилган ахлоқ-одоб қоидаларига риоя этмайдиган, ҳатто турли жиноий қилмишларга қўл урадиган кимсаларнинг учраб туриши ғоятда ачинарлидир. Албатта, бундай номуносиб хулқ-атвордаги шахсларга нисбатан қонуний жазо тайинланади ва ахлоқан қайта тарбиялашга доир зарурий чора-тадбирлар амалга оширилади.

Айтиш керакки, шундай таъсир чораларидан бири ҳисобланган маъмурий назорат ўрнатишга доир асосий қоидалар амалдаги "Жазони ижро этиш муассасаларидан бўшатилган шахслар устидан ички ишлар идораларининг маъмурий назорати тўғрисида"ги қонунда ўзининг аниқ ифодасини топган. Мазкур қонунга асосан, маъмурий назоратнинг асосий мақсади — муқаддам судланган шахслар томонидан такроран жиноят содир этилишининг олдини олиш, уларнинг хулқ-атворини ижобий томонга шакллантиришдан иборатдир.

Маъмурий назоратнинг ўрнатилиши ва амалга оширилиши назорат остидаги шахснинг бошқа ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига путур етказмаслиги, унинг инсоний қадр-қимматини камситмаслиги, иш, ўқиш ҳамда истиқомат жойида обрўсини тўкмаслиги лозим.

Маъмурий назорат судьянинг қарори билан олти ойдан бир йилгача муддатга ўрнатилади. Назорат остидаги шахс белгиланган вақт мобайнида тузалиш йўлига ўтмаган, жамоат тартибини бузган ёхуд зиммасидаги мажбуриятларни бажармаган тақдирда, маъмурий назорат муддатини узайтиришга йўл қўйилади.

Маъмурий назорат муддати ички ишлар идораларининг тақдимномасига биноан, ҳар сафар яна олти ойга узайтирилиши мумкин. Лекин узайтирилган назорат муддати мазкур жиноят учун белгиланган судланганлик муддатининг тугаши ёки судланганликни олиб ташланиши учун қонунда назарда тутилган муддатлардан ошмаслиги лозим.

Агар маъмурий назорат қоидалари маъмурий назорат ўрнатилган шахс томонидан бузилган бўлса, бундай ҳолатда ички ишлар бўлими ходими томонидан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 206-моддаси билан маъмурий жавобгарликка тортиш ҳақида баённома тузилади ва чора кўриш учун судга юборилади.

E`tirof

Аёлни улуғламоқ – оилани, Ватанни, ҳаётни улуғламоқдир

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Биргина ўтган 2014 йилда "Соғлом бола йили" Давлат дастури ижроси доирасида оилада меҳр-оқибат ва ўзаро ҳурмат муҳити, юксак ахлоқий ва маънавий қадриятлар барқарорлигини таъминлаш, ёш оилаларни моддий қўллаб-қувватлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, она ва бола саломатлигини мустаҳкамлаш, хотин-қизлар ўз иқтидорини рўёбга чиқариши учун зарур шароитлар яратиш, уларнинг кундалик рўзғор юмушларини енгиллаштириш борасида ниҳоятда салмоқли натижаларга эришилди.

Ҳозирги даврда мамлакатимиз мустақиллигини ҳар томонлама мустаҳкамлаш, амалга ошираётган ҳаётбахш ислоҳотларимизнинг изчиллиги ва самарадорлигига эришиш, миллий анъана ва қадриятларимизни асраб-авайлаш ҳамда ривожлантириш ишларида аёлларимизнинг улуши тобора ортиб бормоқда.

Бошқача айтганда, Ўзбекистоннинг истиқлол даври хотин-қизлари оила, уй-рўзғор юмушлари билан чекланиб қолмасдан, барча соҳаларда ўз иқтидорларини тўла-тўкис рўёбга чиқармоқда. Ўтган даврда ишлаб чиқариш, таълим, соғлиқни сақлаш, аграр соҳаларда фидокорона меҳнат қилаётган ўн уч нафар аёл "Ўзбекистон Қаҳрамони" унвонига сазовор бўлгани фикримизни яққол тасдиқлайди.

Шу билан бирга, аёллар орасида 7 нафар академик, 500 нафарга яқин фан доктори, салкам 5 минг нафар фан номзоди — олималар ўзларининг самарали илмий тадқиқот ишлари билан нафақат юртимизда, балки халқаро миқёсда ҳам эътирофга сазовор бўлаётгани қувонарли, албатта. Қолаверса, 212 нафар иқтидорли қизларимиз адабиёт, таълим, санъат, маданият, спорт каби йўналишларда Зулфия номидаги Давлат мукофоти, юзга яқин хотин-қизлар мумтоз қўшиқчилик, академик ижро, эстрада, опера, балет, чолғу ижрочиси, анъанавий ижрочилик, рақс йўналишларида "Ниҳол" мукофоти билан тақдирлангани ҳар қанча таҳсинга сазовордир.

Хотин-қизлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар туфайли ўз бизнесини бошламоқчи бўлган аёллар ўз ташаббусларини рўёбга чиқариши учун барча шарт-шароит ва имкониятлар яратиб берилмоқда. Айни чоғда 200 мингга яқин тадбиркор аёл юртимиз иқтисодий тараққиётига ҳисса қўшаётгани эътиборга моликдир.

Аёлларнинг мамлакатимизни демократик янгилаш, фуқаролик жамиятини барпо этишдаги роли ҳам тобора ортмоқда. Бу ҳақда сўз борганда, 2013 йил ноябрь-декабрь ойларида бўлиб ўтган фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловида 1 минг 310 нафар аёл ушбу лавозимга сайланганини алоҳида қайд этиш жоиз.

Айни чоғда мамлакатимизда қирқдан зиёд жамоат ташкилоти бевосита ёки билвосита хотин-қизлар масалалари билан шуғулланади. Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ана шу ташкилотлар орасида алоҳида нуфузга эга. Истиқлол билан тенгдош ушбу ташкилотнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, шаҳар ва туманларда бўлинмалари, яна 40 мингдан зиёд бошланғич ташкилотлари изчил фаолият юритмоқда.

Айтиш керакки, Президентимизнинг 2004 йил 25 майдаги "Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони бу борада муҳим дастуриламал бўлаётир.

"Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан "Ўзбекистон аёллари — 2014: ижтимоий мавқе ва кайфият" мавзусида ўтказилган сўров натижасида хотин-қизларнинг социал ва ижтимоий-сиёсий фаоллиги юқори экани маълум бўлди. Хусусан, 91,3 фоиз иштирокчи хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаолиятини ижобий баҳолаган. Улар мамлакатимизда ҳаётга татбиқ этилаётган ислоҳотларда иштирок этишни ўзининг муҳим ва дахлсиз ҳуқуқи деб билади. Ижтимоий сўров иштирокчиларининг фикрича, ҳудудий бошқарув органлари, фуқаролар йиғинлари, сиёсий партиялар, касаба уюшмалари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятида хотин-қизлар фаол иштирок этмоқда.

Миллат келажаги — оналар қўлида, дейдилар. Юртимизда 7 миллиондан зиёд оила мавжуд бўлиб, ана шу оилаларда вояга етаётган эртанги кунимизнинг ҳақиқий эгалари — жисмонан соғлом, маънавий бой ёш авлодни тарбиялашдек шарафли бурч ва масъулият ҳам оқила аёлларимиз зиммасида.

Бир қатор ижтимоий дастурлар самарасида аёлларни иш билан таъминлаш, улар учун муносиб меҳнат ва турмуш шароитларини яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг бандлигини таъминлаш, ўз бизнесини бошлаш истагидаги хотин-қизларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, улар учун имтиёзли кредитлар ажратишга катта аҳамият берилаётир.

Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида барпо этилаётган уй-жойлар аёлларнинг оғирини енгил қилиш, уларнинг ҳаёт даражаси ва сифатини янада юксалтиришга хизмат қилмоқда. Маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, гўзаллик салонлари, миллий ва замонавий либослар ателъелари қурилиб, фойдаланишга топширилаётгани хотин-қизлар учун муносиб турмуш шароитларини юзага келтириш, уларнинг янада кўркам ва латофатли бўлишига имкон яратмоқда.

Бир сўз билан айтганда, истиқлол йилларида мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ўзгаришларга мос ҳолда, аввало, оналаримиз, опа-сингилларимиз, умр йўлдошларимиз, қизларимизнинг жамиятдаги ўрни ва мавқеини янада ошириш, иззат-икромини жойига қўйиш борасида дадил одимлар қўйилди ва қўйилмоқда. Зотан, аёлни эъзозлаш, унга эҳтиром кўрсатиш шарқона хислат, халқимизга хос фазилатдир.

Ғулом МИРЗО,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист

Ўзбекистонда аёлларнинг оила ва жамиятдаги мавқеини юксалтиришга қаратилаётган эътиборга ҳавасим келди

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Ўзбекистоннинг бой тарихи, маданияти, санъати, маънавий мероси билан яқиндан танишиш имконига эга бўлдим. Ўзбек заминида етишиб чиққан олиму фузалоларнинг жаҳон илм-фани ривожига қўшган улкан ҳиссасини дунё аҳли эътироф этади. Юртингиздаги маҳобатли иншоотлар халқингиз ақл-заковатининг маҳсули сифатида дунёни ҳайратга солиб келмоқда. Ана шундай буюк меросворисларининг ўз аждодларига кўрсатаётган эҳтироми ҳар қанча таҳсинга сазовор.

Ўзбекистонда хотин-қизларни спортга кенг жалб этиш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш борасида амалга оширилаётган ишларга ҳавасим келди. Юртингизда бадиий гимнастика жадал ривожланмоқда. Бу хотин-қизларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, уларнинг турмуш даражасини юксалтиришга бўлган эътиборнинг ёрқин ифодасидир.

Радха КРИШНАН,
Ганди мемориал жамғармаси раиси (Малайзия):

— Ўзбекистон хотин-қизларининг билим ва салоҳияти жуда юқори. Мамлакатингизда уларнинг ҳар соҳадаги фаолиятини ривожлантириш, илғор ғояларини қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар эътиборга молик. Давлатингиз томонидан аёлларни эъзозлаш, уларнинг оила ва жамиятдаги мавқеини юксалтириш, салоҳиятини юзага чиқаришга қаратилаётган эътиборга ҳавасим келди.

Мамлакатингизга ҳар гал келганимда барча соҳаларда, хусусан, таълимда эришилаётган муваффақиятлардан ҳайратланаман ва қувонаман. Айниқса, юртингизда чет тилларини ўрганишга қаратилаётган эътибор туфайли мамлакатингиз ёшлари кўплаб хорижий тилларда, хусусан, инглиз тилида эркин сўзлаётгани эътиборга сазовор. Ўзбекистонда инглиз тилини биринчи синфдан бошлаб ўқитиш йўлга қўйилгани мамлакат эртасини ўйлаб, ёш авлод камолотини таъминлаш йўлида амалга оширилган жуда катта ишлардан ҳисобланади.

Мария Людовика ЛЕАЛИ,
"Европа хотин-қизлари лоббиси" ташкилотининг Италиядаги бўлими бош котиби:

— Ўзбекистонда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш билан бирга, уларнинг жамиятдаги ўрнини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани таҳсинга лойиқ.

Давлат ва жамиятни бошқаришда хотин-қизларнинг иштирокини кенгайтириш мақсадида Ўзбекистон миллий сайлов қонунчилигига киритилган ўзгартишларга мувофиқ, сиёсий партиялар томонидан ҳокимият вакиллик органларига сайловларда депутатликка номзодларни кўрсатишда хотин-қизлар учун камида 30 фоизлик квота белгиланган, мамлакатингизда фаолият кўрсатаётган сиёсий партиялар аъзолари сафида хотин-қизлар кўпайиб бораётгани эътиборга молик.

Начо ПЕРЕЗ,
тадбиркор (Испания):

— Тошкентга хизмат сафари билан келдим. Ўзбекистонда Халқаро хотин-қизлар куни кенг нишонланишидан хабарим бор. Байрам яқинлашиб келаётгани ҳар қадамда сезилиб турибди. Шаҳрингиз дўконлари аёллар учун махсус безатилган, турли хил совғалар, гулларга тўла. Эркакларнинг ҳозирданоқ оналари, опа-сингиллари, турмуш ўртоғи ва қизлари учун совға харид қилаётганини кўриб, қувонасан киши. Буларнинг барчаси мамлакатингизда хотин-қизларга қаратилаётган эътибордан, ҳурмат ва эъзоздан далолатдир.

Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон хотин-қизларини яқинлашиб келаётган айём билан муборакбод этаман. Уларга оилавий бахт ва улкан муваффақиятлар тилайман.

ЎзА мухбири Нодира МАНЗУРОВА ёзиб олди

Qonun ko`magi

Тадбиркорлар ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари

амалда самарали таъминланмоқда

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Жумладан, 2014 йил мобайнида адлия бошқармасига 166 та мурожаат келиб тушган бўлиб, уларни кўриб чиқиш натижалари бўйича аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф қилиш билан бирга тадбиркорлик субъектларининг бузилган ҳуқуқлари ҳам тўлиқ тикланишига эришилмоқда.

Мисол учун адлия бошқармасига Янгиариқ туманида яшовчи С.Норбоева мурожаат қилиб, туман ҳокимининг 2013 йил 23 ноябрдаги қарорига асосан, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун ер майдони ажратиб берилгани, бироқ Янгиариқ тумани архитектура ва қурилиш бўлими томонидан ушбу ер майдонининг чегараси белгилаб берилмаганини қайд этаркан, бу борада амалий ёрдам кўрсатишни сўраган.

Адлия бошқармаси томонидан ушбу мурожаат атрофлича ўрганиб чиқилди ва аниқланган қонунбузилиш ҳолатини бартараф этиш юзасидан вилоят архитектура ва қурилиш бош бошқармасига тақдимнома киритилди.

Мазкур тақдимнома ижроси юзасидан С.Норбоевага ажратиб берилган ер майдонининг чегаралари аниқ ва тўлиқ белгилаб берилиши таъминланди. Шунингдек, суд томонидан туман архитектори Ж.Қаландаровга маъмурий жазо белгиланди.

Бундан ташқари Гурлан туманидаги "Отаназар Досимов" хусусий фирмаси раҳбари О.Досимовнинг Гурлан тумани давлат солиқ инспекцияси томонидан фирма фаолиятида ўтказилган режали солиқ текшируви юзасидан вилоят адлия бошқармасига қилган мурожаати ҳам ўрганиб чиқилди.

Аниқланишича, Гурлан тумани давлат солиқ инспекцияси томонидан 2014 йил август ойида фирма фаолиятида ўтказилган режали солиқ текшируви (тафтиш) натижалари бўйича расмийлаштирилган далолатнома текшириш якунланган кун эмас, орадан уч кун ўтган фирма раҳбарига тақдим қилиниб, текшириш тартиби бузилган. Шу боис адлия бошқармаси томонидан туман давлат солиқ инспекцияси ходимлари А. Ражабов ва О.Пировларни нисбатан маъмурий жазо тайинлаш тўғрисидаги масала суд тартибида ҳал этилди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, тадбиркорлик субъектларига зарур ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш, улар фаолиятига қонунга хилоф тарзда аралашувларнинг олдини олиш адлия идораларининг долзарб вазифаларидан биридир.

Зотан, қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари амалда тўлиқ таъминланаётган тадбиркорлик субъектлари истеъмол бозорини сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш, янги иш ўринлари яратиш, экспорт салоҳиятини оширишга муносиб улуш қўшмоқдалар. Бу, ўз навбатида, озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишнинг муҳим омилидир.

Шерзод ҲЎЖАНИЁЗОВ,
Хоразм вилояти адлия бошқармаси бўлим бошлиғи

назорат

қоидаларини бузиш жавобгарликка сабаб бўлади

Шу ўринда мисолларга эътибор қаратсак, В.Абдувалиев Фарғона вилоят судининг 2004 йил 14 июлдаги ҳукмига кўра, Жиноят кодексининг 25,273-моддаси 5-қисмида назарда тутилган жиноят содир этиб, 7 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинган. У амнистия актига асосан 2008 йил 11 январда жазони қолган қисмини ўташдан озод этилди.

У уйига қайтиб келгач, Қўқон шаҳар суди томонидан қонунга асосан маъмурий назорат ўрнатилган ва назорат қоидалари тушунтирилган. Аммо у берилган имкониятдан тўғри фойдаланмай маъмурий назорат талабларини бузиб, 2011 йил март ойларида ҳеч кимни огоҳлантирмай чет элга ишлаш учун кетиб қолган. Унинг назорати билан шуғулланган ички ишлар бўлими ходими бир неча маротаба излаб уйига боради. Бироқ бундан натижа чиқмагач, у қидирувга берилди. Шундан сўнг у ички ишлар бўлими ходимлари томонидан ушланиб, Жиноят кодексининг 226-моддаси 2-қисми "а" банди билан жиноят иши қўзғатилди ва унга нисбатан тегишли тартибда суд томонидан жазо тайинлади.

Айтиш керакки, Қўқон шаҳар ички ишлар бўлими томонидан "Жазони ижро этиш муассасаларидан бўшатилган шахслар устидан ички ишлар идораларининг маъмурий назорати тўғрисида"ги қонун талаблари амалга самарали татбиқ этилмоқда. Жумладан, 2014 йил мобайнида ўта оғир ва оғир жиноятлар учун озодликдан маҳрум қилинган, жазо муддатини ўтаб бўлгач, тузалиш йўлига кирмасдан, жамоат тартибини мунтазам бузаётган бир қатор шахсларга нисбатан тақдимномага асосан суднинг қарори билан олти ойдан бир йилгача муддатга маъмурий назорат ўрнатиш ҳақида қарор қабул қилинди. Шу давр мобайнида маъмурий назорат ўрнатилган шахслар томонидан қонубузилиш ҳолатлари содир этилмади.

Хулоса қилиб айтганда, маъмурий назорат шахсни, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлат манфаатларини, мулкни, табиий муҳитни, тинчлик-осойишталикни маъмурий ҳуқуқбузарликлардан муҳофаза этиш, жиноятларнинг олдини олиш, муқаддам судланган шахсларнинг такроран жиноят содир этишига йўл қўймаслик, халқимиз ҳаётининг хавфсизлигини таъминлаш каби эзгу мақсадларга хизмат қилмоқда.

Беҳзоджон ЭРГАШЕВ,
жиноят ишлари бўйича Қўқон шаҳар судининг судьяси,
Махкамжон АБДУМАННОПОВ,
жиноят ишлари бўйича Фарғона вилоят судининг малака ҳайъати котиби

Ehtiyot bo`ling, firibgar!

Қимматга тушган алдов

Халқимиз азалдан эзгу ва хайрли амалларни ўзида мужассам этган қўни-қўшничилик урф-одати ва анъаналарини юксак қадрлаб келади. Зотан, қўни-қўшниларнинг аҳил-иноқ яшаши, тўй-ҳашам, маъракамаросимларда бир-бирига яқиндан кўмак бериши юрт фаровонлиги, тинчлик ва осойишталикнинг барқарорлигини таъминлайдиган муҳим омил ҳисобланади.

"Гилам сотсанг, қўшнингга сот, бир четида ўзинг ўтирасан", "Узоқдаги қариндошдан яқиндаги қўшни яхши" деган ҳикматларда ҳам қўшничилик саодати улуғланган.

Албатта, бир маҳаллада қўни-қўшни бўлиб яшаётган кишилар бир-бирини яхши билишади. Бироқ Эшмирза Холиёров (исм-шарифлар ўзгартирилди) қўшниси Муҳайё Халилованинг алдовига учиб, оворaю сарсон бўлгани кишини ҳайрон қолдиради.

Гап шундаки, Эшмирза ака ўғилларига уй қуриш учун ер олиш ниятида эди. Буни, табиийки, бошқа қўшнилари сингари Муҳайё ҳам билар эди.

(Давоми тўртинчи бетда)

ЭЪЛОН!

Умумий юрисдикция судларининг судьяси лавозими захирасига ҳужжат топшириш истагини билдирган фуқаролар ДИҚҚАТИГА

Умумий юрисдикция судларининг судьяси лавозими захирасига қуйидаги талаблар асосида ҳужжат топширилади: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 29 декабрдаги Ф-3949-сонли Фармойиши билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси тўғрисида"ги Низомнинг 8-бандига кўра, судьялик лавозимларига биринчи марта тайинланадиган номзодлар захирасига тайёргарлик кўрган, катта ҳаётий тажрибага, бенуқсон обрў-эътиборга эга, ўттиз ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотли, юридик ихтисослиги бўйича иш стажи камида беш йил бўлган Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари киритилиши мумкин.

Шунингдек, ушбу Низомнинг 4-бўлимига мувофиқ бошқа судьялик лавозимларига номзодини кўрсатиш истагини билдирган шахслар Комиссияга бевосита ёки Умумий юрисдикция судлари судьялари олий малака ҳайъати орқали ариза ва зарур ҳужжатларни тақдим этишлари мумкин.

Ўзбекистон Республикаси умумий юрисдикция судлари тизимида 2015 йилнинг 5 март ҳолатига кўра, қуйидаги вакант судьялик лавозимлари мавжуд:

Ўзбекистон Республикаси Олий суди:

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг биринчи ўринбосари, 1 нафар раис ўринбосари, 5 нафар судьялик лавозимлари;

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди:

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг 4 нафар судьялик, округ ва ҳудудий ҳарбий судларнинг 2 нафар раислик лавозимлари;

Қорақалпоғистон Республикаси:

Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий суди раисининг ўринбосари, 3 нафар судьялик, туман (шаҳар) судининг 2 нафар раислик лавозимлари;

Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судининг 1 нафар судьялик лавозими;

Андижон вилояти:

жиноят ишлари бўйича Андижон вилояти туман (шаҳар) судларининг 4 нафар раислик ва 3 нафар судьялик лавозимлари;

фуқаролик ишлари бўйича Андижон вилоят судининг 4 нафар судьялик, туманлараро судларининг 2 нафар раислик ва 3 нафар судьялик лавозимлари;

Бухоро вилояти:

фуқаролик ишлари бўйича Бухоро вилоят судининг 4 нафар судьялик, туманлараро судларининг 4 нафар раислик ва 3 нафар судьялик лавозимлари;

Жиззах вилояти:

жиноят ишлари бўйича Жиззах вилояти туман судларининг 1 нафар раислик лавозими;

фуқаролик ишлари бўйича Жиззах вилоят судининг 3 нафар судьялик ва туманлараро судларининг 2 нафар раислик лавозимлари;

Қашқадарё вилояти:

жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилоят судининг 1 нафар судьялик лавозими;

фуқаролик ишлари бўйича Қашқадарё вилоят судининг раиси, 2 нафар судьялик, туманлараро судларининг 3 нафар раислик ва 2 нафар судьялик лавозимлари;

Навоий вилояти:

жиноят ишлари бўйича Навоий вилоят судининг 2 нафар судьялик, туман (шаҳар) судларининг 2 нафар раислик лавозимлари;

фуқаролик ишлари бўйича Навоий вилоят судининг 1 нафар судьялик, туманлараро судининг 1 нафар раислик ва 1 нафар судьялик лавозимлари;

Наманган вилояти:

жиноят ишлари бўйича Наманган вилояти туман (шаҳар) судларининг 4 нафар раислик ва 2 нафар судьялик лавозимлари;

фуқаролик ишлари бўйича Наманган вилоят судининг 3 нафар судьялик ва туманлараро судларининг 4 нафар судьялик лавозимлари;

Самарқанд вилояти:

жиноят ишлари бўйича Самарқанд вилояти туман (шаҳар) судларининг 1 нафар раислик ва 1 нафар судьялик лавозимлари;

фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд вилоят судининг раиси, 1 нафар судьялик, туманлараро судларининг 2 нафар раислик ва 4 нафар судьялик лавозимлари;

Сирдарё вилояти:

жиноят ишлари бўйича Сирдарё вилоят судининг 1 нафар судьялик, туман (шаҳар) судларининг 2 нафар раислик ва 1 нафар судьялик лавозимлари;

фуқаролик ишлари бўйича Сирдарё вилоят судининг 2 нафар судьялик, туманлараро судларининг 3 нафар раислик ва 2 нафар судьялик лавозимлари;

Сурхондарё вилояти:

жиноят ишлари бўйича Сурхондарё вилоят судининг 4 нафар судьялик, туман судларининг 2 нафар раислик лавозимлари;

фуқаролик ишлари бўйича Сурхондарё вилоят судининг 3 нафар судьялик, туманлараро судларининг 4 нафар раислик ва 2 нафар судьялик лавозимлари;

Фарғона вилояти:

жиноят ишлари бўйича Фарғона вилоят суди раисининг ўринбосари, 4 нафар судьялик, туман (шаҳар) судларининг 7 нафар раислик ва 2 нафар судьялик лавозимлари;

фуқаролик ишлари бўйича Фарғона вилоят суди раисининг ўринбосари, 1 нафар судьялик, туманлараро судларининг 2 нафар раислик ва 1 нафар судьялик лавозимлари;

Хоразм вилояти:

жиноят ишлари бўйича Хоразм вилояти туман судининг 1 нафар раислик лавозими;

фуқаролик ишлари бўйича Хоразм вилоят судининг 3 нафар судьялик, туманлараро судларининг 1 нафар раислик лавозимлари;

Тошкент вилояти:

жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят судининг 4 нафар судьялик, туман (шаҳар) судларининг 5 нафар раислик ва 5 нафар судьялик лавозимлари;

фуқаролик ишлари бўйича Тошкент вилоят суди раисининг ўринбосари, 3 нафар судьялик, туманлараро судларининг 7 нафар раислик ва 13 нафар судьялик лавозимлари;

Тошкент шаҳри:

жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди раисининг ўринбосари, туман судларининг 2 нафар раислик ва 13 нафар судьялик лавозимлари;

фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2 нафар судьялик, туманлараро судларининг 1 нафар раислик ва 6 нафар судьялик лавозимлари вакант.

Захирага киритиш тўғрисидаги аризага (таклифга) номзод томонидан шахсан тўлдирилган кадрларни ҳисобга олиш шахсий варағи ва таржимаи ҳол, фотосуратлар, паспорт нусхаси ва баҳолар тўғрисидаги маълумотлар илова қилинган нотариал тасдиқланган олий юридик маълумот тўғрисидаги диплом нусхаси, белгиланган тартибда тасдиқланган меҳнат дафтарчасидан кўчирма, соғлиғи тўғрисида маълумотнома, иш жойидан маълумот-тавсифнома, идора номидан тавсия, фикрномалар (камида учта) илова қилинади.

Судьялик лавозими захирасига ҳужжат топшириш истагини билдирган фуқаролар Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди ҳамда фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоят судлари Судьялар малака ҳайъатига мурожаат этишлари мумкин.

Garoyib olam

Сир-синоатларга тўла табиат ўзининг бир-биридан ғаройиб тилсимотлари билан эътиборимизни доимо ўзига тортиб келган. Бунинг устига табиатда шундай сирли воқеа-ҳодисалар ҳам учрайдики, унинг олдида инсон ақл-заковати баъзан ожиз қолади.

Биз билган ва билмаган дунё

Масалан, АҚШ ҳудудида жойлашган Рейстрэк-Плайя кўлининг тубида жуда антиқа ва ғаройиб ҳодиса кузатилади. Яъни қуриб қолган кўлнинг тубидаги тошлар ўз-ўзидан ҳаракатланиб, анчагина масофани босиб ўтади. Буни тошларнинг қумда қолдирган изларига қараб ҳам билиб олиш мумкин.

Ажабланарлиси шундаки, айрим тошларнинг вазни бир неча юз килограммни ташкил этса, улар қолдирган излар бир неча ўн метргача чўзилиб кетади. Одатда, тошлар ҳар икки-уч йилда ҳаракатга келиб, уларнинг изи қумда узоқ вақт сақланиб қолади. Мазкур табиат ҳодисаси илк марта 1948 йилда маҳаллий геологлар томонидан ўрганилган. Ушанда Жим Макалистер ва Аллен Агню исмли мутахассислар тошларнинг жойлашиши ва изларини харитага туширишган. Бир гуруҳ олимларнинг айтишича, тошларни шамол ҳаракатга келтиради. Лекин кўпчилик бундай катта ва оғир тошларни шамол ҳаракатга келтиришига ишонмайди.

Бундан ташқари бошқа олимлар ҳам бу ғаройиб ҳодисани изоҳлаш мақсадида, турли-туман тахминларни илгари суришди. Бироқ уларнинг ҳеч бири тошларнинг ҳаракатга келиш сабабини аниқ изоҳлаб беролмагани учун ҳам бу ҳодиса ҳозиргача жумбоқ бўлиб келмоқда.

Яна бир ғаройиб воқеа 1902 йил 29 декабрда Парижда рўй берган эди. Гап шундаки, ўшанда бир дақиқа ичида Франция пойтахтида мавжуд бўлган барча тебранувчи осма соатлар тақа-тақ тўхтаб қолган. Энг қизиғи, мазкур ҳодиса натижасида фақатгина осма соатларгина тўхтаган, холос. Мурватли соатлар эса, одатдагидай ишлаб турган. Маълумки, осма соатларга жойлаштирилган тебрангич капгир тортишиш кучи таъсирида ўқ атрофида тебранма ҳаракат қилади. Париж сингари катта шаҳардаги барча тебрангич капгирли соатларни бир вақтнинг ўзида тўхтатиш учун шаҳарни тортишиш кучидан маҳрум қилиш керак бўларди.

Мазкур ғаройиб ҳодиса ҳақидаги маълумот "Билим хабарномаси" журналида чоп этилган бўлиб, унда Париж аҳолисининг кўпчилиги ўша куни бош айланиши, кўнгил айниши ва ҳушдан кетиш ҳолатларини бошидан кечиргани қайд этилган. Ажабланарлиси, ўша тунда мазкур шаҳарда бирон-бир табиат ҳодисаси рўй бергани кузатилмаган.

Польшанинг Грифино шаҳри ёнида эса, жуда антиқа ва сирли ўрмон жойлашган. Маҳаллий аҳоли "Маст ўрмон" номини берган бу ҳудудда жойлашган 4000 га яқин қарағай дарахти, худди келишиб олгандек, шимол тарафга эгилиб ўсган. Қарийб 100 йил муқаддам экилган бу дарахтларнинг фақат бир томонга қараб ўсганини ҳеч ким аниқ изоҳлаб беролмайди.

Ҳозиргача "маст ўрмон" мутахассислар орасида қизғин баҳс-мунозараларга сабаб бўлмоқда. Уларнинг айримлари дарахтлар шимолга қараб эсувчи шамол таъсирида эгилган деган фикрни билдиришса, баъзилари дарахтларни мебель учун хом ашё сифатида ишлатишни ният қилиб экишган, деган тахминни илгари суришмоқда.

Мутахассислар эса, бу дарахтлар кўчат пайтидаёқ атай шундай экилган, деган фикрни билдирсаларда, бундан қандай мақсад кўзланганини айтиб беришолмайди. Аслида эса, дарахтларнинг бундай тартибда ўсишида сир бор. Яъни бу ўрмонга кирган киши ҳеч қачон адашиб қолмайди. Аниқроқ айтганда, ҳар қандай киши бу ўрмонда дарахтларнинг ҳолатига қараб, шимолни ҳам, шарқни ҳам оппа-осон топиб олади.

Айтиш керакки, 1816 йил инсоният тарихида энг совуқ йил сифатида қайд этилган. Ўша йили совуқдан, айниқса, Европа ва Шимолий Америка аҳолиси қаттиқ азият чеккан. Ҳаво шу қадар совуб кетганки, ҳатто Атлантика уммонининг икки соҳилида ёз ойларида ҳам қор ёғиб турган.

Мутахассислар томонидан ушбу табиат ҳодисаси деярли юз йил давомида ўрганилди. 1920 йилда табиатшунос олим Уильям Хамфрейс табиатдаги бу ўзгариш вулқонлар отилиши натижасида юзага келган, деган фикрни илгари сурган. Мазкур фикрда жон бор. Чунки 1815 йилда Индонезиянинг Сумбава оролида инсоният тарихидаги энг йирик Тамбора вулқони отилган бўлиб, офат натижасида атмосферага отилган кукун ҳажми 150 километр кубни ташкил этган. Бу кукун сайёрамиз бўйлаб тарқалиши учун бир неча ой кетган. Шу боис 1815 йилда унинг таъсири Европада унчалик сезилмаган. Аммо 1816 йилга келиб ҳаво ўзгариб кетган. Ҳатто апрель-май ойларида ҳам худди қиш давридаги каби ёмғир ва дўл ёғиб турган. Июнь-июль ойларида эса, АҚШ ҳудудида сув музлаган. Европани эса, ушбу ҳудуд учун хос бўлмаган бўронлар ларзага солган, сув тошқинлари кескин кўпайган. Натижада мисли кўрилмаган совуқдан шаҳар аҳолиси ниҳоятда танг аҳволда қолган ва орадан бир йил ўтибгина вазият яна изга тушган.

Интернет материаллари асосида Шаҳло ХУДОЙБЕРГАНОВА тайёрлади.

Maslahat

Ижтимоий хавфи катта бўлмаган қилмиш

содир этган шахснинг ҳуқуқ ва бурчлари

Амалдаги Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 294-моддасида маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахснинг ҳуқуқ ва бурчлари ҳақида сўз юритилган.

Унга кўра, маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахс иш материаллари билан танишиб чиқишга, изоҳлар беришга, далиллар келтиришга, ўз илтимосини баён этишга, ишни кўриб чиқиш вақтида адвокатнинг юридик ёрдамидан фойдаланишга, ўз она тилида сўзлашга ва таржимоннинг хизматларидан фойдаланишга, иш юзасидан чиқарилган қарор устидан шикоят беришга ҳақлидир.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахс иштирокида кўриб чиқилади. Мазкур шахсга ишни кўриб чиқиш жойи ва вақти ҳақида хабар қилинганлиги тўғрисида маълумотлар бўлган ва ундан ишни кўриб чиқишни кечиктириш хусусида ҳеч қандай илтимос тушмаган ҳоллардагина иш унинг иштирокисиз кўриб чиқилиши мумкин.

Башарти содир этган ҳуқуқбузарлиги учун маъмурий қамоққа олиш, ашёларини мусодара қилиш ёки ҳақини тўлаш шарти билан олиб қўйиш чораларини қўллаш назарда тутилган бўлса, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш вақтида шахсан айбдорнинг қатнашиши талаб этилади. Мазкур шахс маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқишда қатнашишдан бўйин товлаган тақдирда у маъмурий ишлар бўйича судьянинг ажримига биноан ички ишлар (милиция) органи томонидан мажбуран олиб келиниши мумкин.

Илҳом ШОМУРАТОВ,
жиноят ишлари бўйича Қоровулбозор тумани судининг раиси

(Давоми. Бошланиши учинчи бетда)

Ehtiyot bo`ling, firibgar!

Қимматга тушган алдов

Кунларнинг бирида у Эшмирза аканинг уйига кириб келди. Муҳайё анча уддабурон аёл эди. У Эшмирза аканинг оила аъзолари билан қуюқ сўрашгач, аста муддаога ўтди. Яъни юқори ташкилотда ишлайдиган таниши борлиги, агар харажатдан қочмаса, ер олиб бериш қўлидан келишини айтди. Эшмирза ака кўп йиллик қўшниси Муҳайёнинг гапларига ишонди. Шу боис Муҳайё айтган 1 миллион 800 минг сўм пулни унинг қўлига тутқазди.

Орадан тўққиз ой ўтиб, Муҳайё яна Эшмирза акага учрашди. Бу гал у Эшмирза аканинг 1 миллион сўмини фирибгарлик йўли билан қўлга киритди. Кунлар шу зайлда ўтиб борар, бироқ Муҳайё ваъда қилган ердан ҳамон дарак йўқ эди. Аксинча, Муҳайё ҳамон пул сўрашни канда қилмасди. 2009 йилнинг 20 март куни у Э.Холиёровнинг уйига бориб, 200 минг сўм, 2009 йил 20 август, 2010 йил 10 май, 2011 йил 20 ноябр ва 2012 йилнинг 12 август кунлари 500 минг сўмдан олиб кетади.

Аслини айтганда, Муҳайёнинг қандайдир таниши борлиги ҳақидаги гапи ёлғон эди. Буни у Эшмирза акани алдаш учун атай ўйлаб топган эди. Қисқаси, фирибгар М.Халилова ер олиб бериш баҳонасида жабрланувчининг жами 5 миллион сўм пулини олиб, ўз эҳтиёжига ишлатиб юборади.

Айтиш керакки, Жиноят кодексининг 168-моддасида қайд этилганидек, фирибгарликда алдаш деганда, айбдор томонидан, била туриб, ҳақиқатга тўғри келмайдиган ёлғон маълумотлар хабар қилиниши ёки иш ҳолати бўйича мулк эгаси ёки бошқа шахсга маълум қилиниши лозим бўлган ҳақиқий ҳолатни яшириш, шу каби мулк эгаси ёки бошқа шахсни янглиштиришга қаратилган қасддан содир этилган ҳаракатлар тушунилади. Суд амалиётидан кўринишича, одатда, фирибгар содда, ишонувчан одамларни алдаб, уларнинг ишончини қозонади. У гўёки ўзини жон куйдириб ишни бажараётган, жабрланувчининг манфаатини юзага чиқарадигандек қилиб кўрсатади.

Буни юқорида баён этилган воқеа мисолида ҳам кўриш мумкин.

Судланувчи М.Халилова ўзининг бу жиноий ҳаракатлари билан Жиноят кодексининг 168-моддаси 2-қисми "б" банди, 28, 211-моддаси 3-қисми "в" банди ва 227-моддаси 2-қисми "а" бандида кўрсатилган жиноятларни қасддан содир қилган. Жиноят содир этилдими, унга муқаррар равишда жазо тайинланади. Қонунларимизнинг инсонпарварлик, бағрикенглик, халқпарварлик тамойиллари асосига қурилгани судланувчи М.Халилованинг жонига оро кирди. У амнистия актига асосан жазодан озод қилинди. Суд ҳукмида жабрланувчи Э.Холиёровга келгусида судланувчи М.Халиловадан жиноят оқибатида етказилган зарарни ундириш бўйича умумий асосларда фуқаролик ишлари бўйича судга даъво аризаси билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эканлиги қайд этилди.

Қўшнисининг ҳалол ҳақига кўз тикиши оқибатида М.Халилованинг маҳалла аҳли олдида уятдан боши эгилиб қолди. Аслида ўзини англаган одамга бундан ортиқ жазо йўқ.

Шунингдек, Э.Холиёровнинг ер олиш учун тўғри йўл танламаган. Жабрланувчи дастлаб ер олишнинг қонуний жиҳатларини сўраб-суриштириши, шундан келиб чиқиб иш тутиши лозим эди. Ахир, қонунан бажарилган иш ҳамиша хайрли якун топади.

Ҳасан МАҲМУДОВ,
жиноят ишлари бўйича Жиззах шаҳар судининг раиси
Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,
"Куч — адолатда" мухбири

Куч—адолатда

МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Бош муҳаррир: Шодикул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ISSN 2181-6123

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Шоюнус ГАЗИЕВ, Мавжуда РАЖАБОВА, Кўчқор ТОҒАЕВ, Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ, Замира ЭСОНОВА, Холмўмин ЁДГОРОВ, Ғайрат ХИДОЯТОВ

Навбатчи муҳаррир: Сардор ҲАМРОЕВ
Саҳифаловчи: Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 1-уй. Тел.: (8 371) 239-02-54, 241-01-56

Нашр индекси: Якка тартибда: 574, ташкилотлар учун: 575.

Буюртма: Г-322. Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда. Адади: 9488.
1 2 3 · 5 Топшириш вақти: 20⁰⁰ Топширилди: 23⁰⁰